“ЎТЙ” АЖ Тошкент шаҳари 2074 26/5 1130 Телекр

Барча МТУлар, ЖДЭ, ЖДК, ДС, НЧ, НОР, НОРВ, М, НО, НФ, НН, ЖДР, ТехПД

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раисининг «Темир йўлларда ташиладиган юкларни қўриқлаш учун йиғим миқдорини белгилаш тўғрисида”ги буйруғини бажариш, шунингдек, юкларни қўриқлаш ва кузатиш харажатларининг ошганлиги муносабати билан 2021 йил 15 июндан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий, экспорт ва импорт ташишларида қўриқловга тақдим этилган “Ўзтемирйўлҳисоб” маркази орқали тўловларни амалга оширувчиларнинг барча турдаги вагонлар ва универсал контейнерлар учун ҚҚСсиз 573 сўм вагон-км / контейнер-км даражасида юкларни қўриқлаш ва кузатиш учун йиғим миқдори белгилансин.

Юкларни қўриқлаш ва кузатиш учун йиғимни ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, қўшимча равишда қўшилган қиймат солиғи олинади.

Минтақавий темир йўл узеллари бошлиқлари, станциялар бошлиқлари, товар кассалари, юк қабул қилувчилари, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси бошлиқлари, отрядлар бошлиқлари ва ходимларига:

юк эгалари билан қўриқланадиган юклар рўйхатига киритилмаган юкларни қўриқлаш бўйича шартномалар тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб борсин;

барча жалб қилинган ишчиларга йиғимларни қандай қўллаш ҳақида кўрсатма бериб борсин;

юк жўнатувчилар ва қабул қилувчиларга барча турдаги вагонлар ва универсал контейнерлар учун юкларни қўриқлаш йиғимларининг ўзгарганини эълон қилсин.

Мазкур телеграмма кучга кирган кундан, 2019 йил 13 декабрдаги 765-сонли телеграмма ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

НЗД в.б. _____

Келишилди: **НН:** _____

ЖДР: _____

НО: _____